



Ислом таълимоти билан йугрилган мумтоз адабиёт такомилида пайгамбаримиз Хазрати Мухаммад Мустафога (соллаллоху алайхи ва саллам) багишланган асарлар алоҳида ўрин тутади. Деярли хар бир мумтоз Шарқ шоири ҳамду муножотдан сунг албатта наът, яъни, Расулга (алайхиссалом) баҳшида битган. Улар мумтоз шеъриятнинг турли жанрлари — газал, мураббаъ, мухаммас, маснавий ва бошқаларда ёзилган бўлиши мумкин.

Шунингдек, ул зоти шариф ҳакида жуда кўплаб касидалар хам авжуд. Улардан энг машхури “Касидаи Бурда”дир. Маълумки, ушбу асар муаллифи Мухаммад ибн Саид Бусирий (1212-1292) оғир ҳаста булган ва касидани ёзгач, кўп ўтмай буткул согайиб кетган. Айтмокчимизки, бу каби маърифатга тўла асралар маълум бир хикмат асосида ёзилади. Бу эса шоирларнинг ҳазрати Пайгамбаримизга булган чексиз мухаббатлари ифодасидир. Куйида ана шундай севги ва хикмат тулиқ наътлардан бири ҳакида хикоя килмокчимиз.

Мазкур наът муаллифи Юсуф Наби (1642-1712) Урфада тугилган ва Истанбулда вафот этган. Ўз даврининг истеъдодли ижодкорларидан бири. Усмонли давлатида девонхона котиби лавозимида ишлаган, бир неча бор ҳаж сафарида булган. Ундан “Девони Наби”, “Таржимаи хадиси арбаъин”, “Муншаот”, “Фатхномаи Камонича”, “Тухфатул ҳарамайн. “Зали сиари Вайсий”, “Хайрабод”, “Сурнома” каби асарлар мерос колган. Уни Оврупа ўлкаларига хам машхур килган асари “Хайрия” достонидир. Энди унинг наъти билан баглик ажиб воеа ҳакида тўхталсак.

Юсуф Набий 1678 йил сultonдан руҳсат олиб, муборак ҳаж сафарига отланади. Хижоз ўулида азбаройи Расули акрамга мухаббати туфайли Юсуфнинг кўзига хеч уйку келмайди. Тун-кун хаяжон ичра, уй-кечинмалари билан сафар килади. Мадина сари якинлашар эканлар, бир манзилда тунаш учун тўхтайдилар. Юсуф карвондаги ҳамроҳларидан бири — мансабдор кишининг киблага оёқ узатиб ухлаётганини кўриб колади. Хаяжон билан ўша кимсани уйготар экан, ушбу наътни айта бошлади:

Саклан тарки адабдан, куйи маҳбуби Худодир бу!  
Назаргоҳи илохийдур, макоми Мустафодир бу!  
Фазилатда Ҳабиби Кибриёнинг хобгоҳидур,

Мувофик бўлса — арши жаноби Кибриёдир бу!  
Бу хокнинг партавидин бўлди даижури одам зоил,  
Имодин очди мавжудот, ду чашми тўтиёдир бу!  
Фалакда мохи нав Бобус Саломнинг сийна чокидур,  
Унинг кандили Жавзо, матлаи нури зиёдир бу!  
Мурооти адаб шарти ила кир, Иаби, бу даргоха,  
Матофи кудсиядур, бусагохи анбиёдир бу!

Мазмуни: “Тарки адабдан саклангин, зеро бу жойлар Аллохнинг севимли бандаси —  
Хазрати Расулуллох юрган жойлардир. Бу жойларга Хак таолонинг назари тушган ва у  
Мустафо (танланган пайгамбар)нинг макомидир; Бу жойлар Аллох хабибининг  
оромгохидир. Фазилат жихатидан карасанг, Жаноби Кибриёнинг арши устидадир; Бу  
муборак жойлар туфрогининг нуридан зулматнинг коронгуликлари тугади. Зеро,  
мавжудотнинг кўзларини очди, (бу хок) кўр кўзларга шифо берувчи сурмадир; Самодаги  
янги чиккан ой ул зотнинг эшигига тургувчи калби ярали ошикдир. Хатто, юлдузи хам ул  
зотнинг нури зиёсидандир. Эй Наби, бу даргох ерларига кирав экансан, одоб  
шартларига риоя килгин. Зеро, бу жойлар улуг фаришталарнинг хам парвона булиб,  
пайгамбарларнинг хам ўпид тавофф этадиган жойидир”.

Ўша амалдор бу оташин мисралар маъносини тушунгач, дархол оёгини йигиб олади ва  
“Бу шеърни качон ёздинг? Сендан бошка одам буни ўқимадими? Эшитмади-ми?” дея  
сўроклай бошлайди. Юсуф: “Бу шеъримни шу ердагина тўкидим. Сизни шундай холатда  
кўргач, ўзимни тута олмай, шу оннинг ўзидаек овозимни чикариб айтдим. Иккимиздан  
бошка бирор буни билмайди”, деди. Шунда уша амалдор енгил нафас олиб, “Модомики бу  
шеърни шу ерда айтган булсанг, шу ернинг ўзида колсин. Бошка бирорга билдирсанг, сен  
учун яхши булмайди”, дея шоирга дагдага килди. Юсуф Наби хеч нарса демади. Карвон  
йўлида давом этади ва бомдод намозига якин Пайгамбар масжидларига етиб келди.  
Масjid минорасидаги муаззинлар негадир аzon айтишдан аввал шоирнинг: “Саклан  
тарки адабдан...” наътини ўкишаётган эди.

Юсуф хам, у́ша амалдор хам хайрону лол колишди. Намоздан сўнг Наби масжид  
муаззинини излаб топди ва: “Худо ва Расулуллох хакки, илтимос киламан, азондан олдин  
айтганингиз наътни кимдан ва качон ўргандингиз?” дея суради. Муаззин нихоятда босик  
оҳангда шундай жавоб берди: «Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу кеча  
Масжидун Набийдаги барча муаззинларни шарафлантириб, тушларига кирдилар ва  
айтдилар: “Умматимдан Юсуф исмли бир зот мени зиёрат килгани келмоқда. Унинг  
менга ишки хар нарсадан устундир. Бугун бомдод намози азонидан аввал унинг менга  
аталган ушбу шеърини айтиб, Мадинага кириб келишини кутланг”. Биз хам жаноби  
Расулуллохнинг амрларини бажардик».

Чексиз хаяжон ва севинч ичидаги колган шоир “Хакикатдан хам шундай дедиларми? Ул  
икки жаҳоннинг Пайгамбари мен каби бир бечора ва гунохкорни ўз умматларидан  
хисоблаб, лутф этдиларми?” дея йиглаб сурай бошлади. Муаззиндан: “Ха, албатта!”  
жавобини олгач, хушидан кетиб йикилди.

Ха, чин дилдан, меҳру мухаббат билан ёзилган шеърий мисралар сохибини у кутмаган  
дамда илохий лутфу марҳаматга буркади.

Мумтоз адабиёт тарихида бундай асарлар куп. Уларни ўрганиш маънавиятимиз юксалишида жуда мухимдир.

Отабек РУСТАМБЕК,  
филология фанлари номзоди